

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Қ.Йўлчиев Лирик шеърда сюжет ва топохронос	102
С.Эшонқулова Нодира лирикасининг бадиият олами асослари	108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши	113
З.Раҳимов, Ш.Искандарова Фарғона тилшунослик мактаби	116
Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир	123
М.Абдупаттоев Поэтик нутқни ўрганиш масалалари	128
З.Алимова Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши	133
Ш.Дадабоева Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари	138
Н.Якубова Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида	142
Л.Абдуллаева Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида	146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг моделлари	150
Г.Ҳамраева Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш усуллари	157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сирождидинов, Ж.Назирқулов Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш	163
М.Султонова Ўзбекистонда телетиббиёт тизимини ташкил этиш тизими модели ва ундаги муаммолар	167
Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўмонов, М.Акбарова Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш	171
И.Асқаров, М.Холматова Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби	175
Х.Муйдинов, Ж.Кодиров Қорамол тери ости бўкалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўкалар ҳашаротларининг учуш муддатлари	180
Ш.Усанов Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари	183
А.Эшниязова Ижодкор биографияси ва уруш фожияси	187
Т.Рузибоев Жудолик Навоий талқинида	191
Ш.Махмиджонов Руҳият қирраларининг бадиий талқинлари	195

РУҲИЯТ ҚИРРАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ
ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПСИХИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ
ARTISTIC INTERPRETATION OF PSYCHIC ASPECTS

Шохрухбек Махмиджонов Дилшод ўғли¹

¹Шохрухбек Махмиджонов Дилшод ўғли – ФарДУ, адабиётшунослик кафедраси магистранти.

Аннотация

Мақолада ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Alvido... bolalik” қиссаси асосида инсон руҳиятининг бадиий талқинлари ёритилган.

Аннотация

Статья, на основе повести Тахира Малика “Alvido... bolalik”, освещается художественная интерпретация психики человека.

Annotation

The article deals with the artistic interpretations of the human psyche based on the story “Farewell... childhood” by Tohir Malik.

Таянч сўз ва иборалар: замонавийлик, анъана, ўзига хослик, инсон руҳияти, маънавият қирралари, ҳаётий асос, бадиий талқин.

Ключевые слова и выражения: современность, традиция, самобытность, психика человека, аспекты духовности, жизненная основа, художественная интерпретация.

Keywords and expressions: modernity, tradition, originality, the human psyche, aspect of spirituality, the basis of life, artistic interpretation.

Бадиий адабиётнинг бош вазифаси инсонда эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат туйғуларини шакллантиришдан иборат эканлиги маълум. Қайси бир давр адабиётига назар ташламайлик, ушбу мақсад бирламчи масала сифатида намоён бўлганини кузатиш мумкин. Тўғри, адабий асар қуруқ панд-насихатларнинг йиғиндисидангина иборат эмас. Сўз санъаткори ўз асарида бирон-бир ҳаётий воқеликни бадиий талқин этар экан, унинг турфа томонларини ўқувчи нигоҳида гавдалантириб, ижобий жиҳатларидан ибрат олишга, салбий кўринишларини такрорламасликка ундайди. Тоҳир Малик қиссалари ҳам бундай хусусиятлардан ҳоли эмас. Унинг деярли барча қиссаларида инсон маънавияти билан боғлиқ муаммолар у ёки бу даражада бадиий талқин этилганини кўриш мумкин.

“Alvido... bolalik” қиссасида мазкур масала ўзига хос бир йўсинда талқин этилганини кузатиш мумкин. Айниқса, бола тарбиясида оилавий муҳитнинг алоҳида аҳамият касб этиши асар аҳамиятини бир поғона юқорига кўтарган. Хусусан, қиссада бош қахрамон Асрорнинг жиноят йўлига ўз-ўзидан кириб қолмаганлигини таъкидлаш учун ёзувчи китобхонни унинг оилавий

муҳитига етаклайди. Чунки оила муқаддас маскан эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қиссада Асрорнинг жиноят йўлига кириб қолишига асосан оилавий муҳит, ота-онасининг нотўғри тарбияси сабаб бўлгани зарурий далиллар асосида кўрсатиб берилади. Гап шундаки, Асрор жиноятчи бўлиб туғилмаган. У аслида “худо суйган” истеъдод эгаси. Мактабда “аъло” баҳоларга ўқиган. Табиий фанларни “сув қилиб” ичиб юборган, дейиш мумкин. Одоб-ахлоқи ҳам ҳавас қиларли даражада эди. Хўш, унда бола нега адашди? Унинг балоғат палласида, дунё ҳодисаларини энди-энди тушуна бошлаган бир пайтда оиладаги муҳит, ота-онанинг маънавиятдан йироқлиги, тирикчилик дея рисоладаги ҳаётдан воз кечишлари боланинг бузилишига сабаб бўлди. Асрорнинг отаси отарчи. У ўғли Асрорни ҳам тўй-ҳашамларга судрайди. Асрор буни истамаса ҳам, отасининг раъйини қайтара олмайди, бўйнидан боғлангандек тўйларга боради. Тўйхонадаги маст-аластларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, тўйда хиром айлаётган “раққоса”нинг ножўя қилиқлари, унга маҳлиё бўлганларнинг бешарм гаплари, муносабtlари қайси томонга эгсангиз шу томонга эгиладиган туйғуларини ғоят эрта

сўндиради. Ҳаёт ана шундай енгил-елпиликлардан иборат экан-да, деган тасаввур уйғонади. Қолаверса, оиладаги муҳит, ота-онасининг муносабатларидаги бирёқламалик, сохталик, мол-дунёга ружу ва бошқа салбий ҳодисалар Асрорнинг покиза туйғулар билан жуда эрта хайрлашишига олиб келади. Асрор бу покиза туйғулар энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини билиб, “алвидо... болалик”, дейди. Ҳаётга, одамларга бепарволик, беписандлик туйғулари унинг юсак орзу-умидлари устига тупроқ тортади. Асрор ўзи истамаган ҳолда жиноят кўчасига кириб қолади. Адиб қиссанинг бир қатор ўринларида Асрорнинг жиноят йўлини таҳлил этар экан, бу машъум тақдирда унинг бир ўзи гуноҳкор эмаслигини, балки оила, атрофидаги кишилар, ота-онаси ҳам бирдек айбдор эканлигини таъкидлашга уринади. Айниқса, ҳикоячининг темир панжаралар ортида Асрор билан қурган суҳбатлари, Асрорнинг салмоқдор саволлари, жўяли мулоҳазалари воситасида соғлом турмуш тарзи фарзанд тарбиясида етакчи мавқе эгаллашига алоҳида урғу беради. Асрорнинг жиноят йўли Қамариддин билан бошлангани қиссанинг бир неча ўринларида кўрсатилади. Зеро, қиссанинг махсус бир бобида таъкидланганидек, яна бир қаҳрамон Қамариддин исми жисмига, ҳаёт йўлига мос йигитлардан эмас; у кўча боласи бўлиб туғилган, кўча боласи бўлиб ўсган. Асрор ва унинг атрофидаги болалар Қамариддинни кўчадаги жиний уюшманинг бошлиғи ва раҳнамози сифатида танийдилар. Аммо улар “Қамариддиннинг армонини билишмайди. Қамариддиннинг дарди ичида. Фақат бир марта, кайф қилиб ўтириб, Асрорнинг бўйнидан ушлаб, пешонасини пешонасига босиб хўрсинган: “Менинг ҳам ўқигим келарди, студент бўлиб юргим келарди. Олим бўлиб, оқ “Волга”ларда керилиб юргим келарди”, деган эди. Ана шунда Асрор унинг қалбида катта дард, алам борлигини сезган эди” [1,44] Келтирилган парчадан сезилиб турибдики, ҳар бир ўсмирнинг ўзига яраша орзу-армонлари бўлади. Ашаддий жиноятчи ҳисобланган Қамариддин ҳам бундай муқаддас туйғулардан бебаҳра эмас. Бироқ унинг армонлари ушалишига ишонч йўқ. Чунки Қамариддиннинг ҳаёти орзу қилинмайдиган ҳаёт. Қамариддин отаси кимлигини билмайди. У никоҳсиз дунёга

келган. Онасини эса учинчи синфга боргандагина кўрган. Бор гапни кейинчалик бувисидан эшитган: “Туғилганингни билиб хурсанд бўлдим. Онанг чиқадиган кун гулдаста кўтариб борсам, бир ўзи келяпти. Мақсадини тушундим. У ёш эди. Умрини бадном қилгиси келмаган”[1,47]. Шу кичкина парчадан оқ Қамариддин фожиаси китобхонага аён бўлади.

Қамариддин туғруқхонада кўз очиб, болалар уйида эсини таниган. Ота-она, хонадон деган тушунчалар ҳам унинг учун ёт. Шу сабабдан бўлса керак, Қамариддин ҳаётдан безган, одам боласига меҳри йўқ. Ҳар қандай кимсадан ўч олишга интилади. Шундан ҳам кўрса бўладики, бола тарбиясида, унинг маънавий камолотида оила, ота-она ва атроф-муҳитнинг алоҳида ўрни, муайян таъсири бор. Инсоннинг мукамаллашуви айни мана шу омиллар таъсирида рўй беради. Тоҳир Малик ўз қиссасида мазкур масалаларни очиқ-ошкора айтмаса ҳам, китобхон унинг нима демоқчи эканини илғаб олади. Бу эса адибнинг етук истеъдодини, замонанинг долзарб муаммоларига бепарво эмаслигини кўрсатади. “Alvido... bolalik” қиссасининг муқаддимасида шундай тасвир бор. “Қуёш барчага баравар нур сочади”, дейдилар. Ҳақ гап. Бироқ, унинг нуридан ҳамма ҳам бир хилда баҳраманд бўлавермайди. Тиканли сим. Темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги қуёш кўнгилга озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикан? Тиканли симлар билан ўралган қамоқхона ҳовлисига ҳам баҳор киради, бу ердаги дарахтлар куртаги ҳам кўз очади, барг чиқаради. Аммо, баҳор гашти тиканли симларни ошиб бу ерга ўта олармикан? Ҳар лаҳза, соат, кун... уларни озодликка яқинлаштиради. Ҳар лаҳза, соат, кун... уларни исканжага олади, улар ўйламай босилган қадамларини лаънатлаб яшашади”[1,6] Ҳаёт таъсирчан тасвир. Ёзувчи ана шу тасвир орқали ўқувчини воқеликка тўғридан-тўғри олиб киради. Демак, асар ўсмирлар орасида юз берган жиноятчилик, бу жиноятчиликнинг сабаб, оқибатларини кўрсатиш, булар ҳақида ўқувчига ўғит бериш ҳақида бўлиб, биринчи галда инсоннинг маънавий камолотида хизмат қилувчи ҳаётини унсурларни таъкидлашни эътиборда тутаяди. Хўш, инсон маънавияти билан боғлиқ масалалар,

айниқса, ёшлар тарбияси, ўсмирлар ахлоқи масаласи қиссасида қай тариқа берилган? Бу масалаларни адиб қайси мезонларда туриб талқин ва таҳлил қилади? Бу муаммоларни ҳал этиш ўзидан-ўзи юзага келмайди. Адиб ҳар бир тимсол характерида жиноятга мойилликнинг юзага келиш сабабларини ахтаришга, жиноят пайдо бўлган муҳитни кўрсатишга, кўрсатибгина қолмай, жиноятчи ўсмирнинг шу йўлга киришига сабабчи бўлган кимсаларнинг қиёфасини ёритишга алоҳида диққат қилади.

Асрордаги муқаддас туйғулар бутунлай сўниб кетмаган. Акс ҳолда Асрор қотиллик юз берган кечаси ҳам, ундан кейин ҳам қилиб қўйган ишидан ўқиниб, пушаймон бўлиб ташвишга тушмас эди. Асрор кучли руҳий изтиробнинг исканжасида қолиб кетади. Бундан кейинги тунларини бедор ўтказади. Юлдузли осмонни бир четдан ямлаб келаётган қўнғир булутлар орасида нифоқ чиқиб, яшин чақнатади. Нур ҳам ўша кўзлардан чиқди. “Мен қотилимни излаб, топдим”, дея шу бешинчи қават пешайвониға отилди. Момақалди роқ гумбурлади. Асрорнинг назарида ўша одам наъра тортиди.

“Қаранг, қотилимни топдим”, дея шаҳар аҳлини уйғотмоқчи бўлди [1,12].

Адабиётшунос Умарали Норматов детектив-саргузашт турлар ҳақида гапирар экан, Тоҳир Маликнинг шу мазмундаги қиссалари ҳақида берган баҳоси эътиборга лойиқ: “Сўнги йилларда бизда ҳам замонавий жаҳон адабиётида кенг тарқалган детектив-саргузашт тури анча жонланди, бу адабий турнинг Тоҳир Маликдай истеъдодли, профессионал соҳиби қаламлари ва унинг истеъдодли издошлари етишиб чиқди. Энг муҳими, Тоҳир Малик ўзбек адабиётида бу турга юксак маданият олиб кирди, бу турни менсимай қараш, таъна-маломатлардан халос этди, бу турни ростакан санъат даражасига кўтара олди” [2,51].

Ҳақиқатан ҳам, Тоҳир Малик детектив-саргузашт турнинг мазмунини бир жиҳатдан янгилай олди. Бу жиҳат, биринчи галда, қаҳрамонлар саргузаштларнинг очиқ баёнида эмас, балки уларнинг руҳий кечинмаларини шу воқелик билан уйғунликда беришда, бирор-бир жиноят ёки машъум ҳодисанинг илдиз ва сабабларига чуқур кириб боришида кўринади.

Адабиётлар:

1. Тоҳир Малик. “Alvido... bolalik”. –Т.: SHARQ, 2019.
2. Умарали Норматов. Умидбахш тамойиллар.–Т.: Маънавият, 2000.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т., 1980.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)